**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**БАХРАМОВА ШАХНОЗА УСМОНОВНА**

# ҲОМИЛАДОРЛИКДА ГИПЕРТЕНЗИВ ҲОЛАТНИ БАШОРАТ ҚИЛИШ ВА ТРОМБОЛИТИК АСОРАТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА АНТИФОСФОЛИПИД СИНДРОМНИНГ АҲАМИЯТИ

**14.00.01–Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2023**

**УЎК:616-007.15/16-616-007.22-05**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Бахрамова Шахноза Усмоновна**
Ҳомиладорликда гипертензив ҳолатни башорат қилиш ва тромболитик асоратларнинг олдини олишда антифосфолипид синдромнинг аҳамияти ..... 3

**Бахрамова Шахноза Усмоновна**
Значение антифосфолипидного синдрома в прогнозировании гестационной гипертензии и профилактики тромболитических осложнений ..... 23

**Bakhramova Shakhnoza Usmonovna**
Significance of antiphospholipid syndrome in predicting gestational hypertension and preventing thrombolytic complications ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**
Список опубликованных работ
List of published works ..... 47

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**БАХРАМОВА ШАХНОЗА УСМОНОВНА**

# ҲОМИЛАДОРЛИКДА ГИПЕРТЕНЗИВ ҲОЛАТНИ БАШОРАТ ҚИЛИШ ВА ТРОМБОЛИТИК АСОРАТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА АНТИФОСФОЛИПИД СИНДРОМНИНГ АҲАМИЯТИ

**14.00.01–Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD/Tib.2346 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа докторлик диссертацияси Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

| | |
|---|---|
| **Илмий раҳбар** | **Ихтиярова Гулчехра Акмаловна**<br>тиббиёт фанлари доктори, профессор |
| **Расмий оппонентлар** | **Абдуллаева Лагия Мирзатуллаевна**<br>тиббиёт фанлари доктори, доцент |
| | **Алиева Дилфуза Абдуллаевна**<br>тиббиёт фанлари доктори, профессор |
| **Етакчи ташкилот** | Н.Н.Бурденко номидаги Воронеж давлат Тиббиёт университети |

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, e-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№_____ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, e-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация автореферати 2023 йил «_____» _____ куни тарқатилган.

(2023 йил «_____» _____даги _____ рақамли реестр баённомаси)

**Д.Т. Ходжиева**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор

**Н.Ш. Ахмедова**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

**М.А. Артыкова**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати**. Бутун дунёда бугунги кунга келиб ҳомиладорлик давридаги гипертензив касалликлар ва улардаги қон ивиш системасининг бузилиши натижасида келиб чиққан тромбофилик асоратлар пандемия даврида учрайдиган соматик патологияларнинг 10 % ни эгаллайди. Жахон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти маълумотларига кўра, "…ҳомиладорлик давридаги гипертензив касалликлар оналар ўлими сабаблари ичида 2-ўринни эгаллаб, 14% ҳолатда учрайди"[1]. Антифосфолипид синдроми (АФС)-замонавий тиббиётнинг долзарб мультидисциплинар муаммолари қаторига кириб, аутоиммун тромботик васкулопатиянинг ноёб нусхаси сифатида текширилади. Антифосфолипид антитаначалар (АФЛ) нинг пайдо булиши генетик мойиллик мавжудлиги ва уларнинг кўп қисми АФС га чалинган беморларнинг қариндошларида аниқланган. Она ва бола соғлиғини сақлаш Ўзбекистон Республикаси сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади. Гипертензив бузилишларни даволаш ва профилактика қилиш муаммоси ушбу патологик жараённинг нохуш акушерлик ва перинатал асоратларга таъсири ва ёмон асоратларга олиб келиши мумкинлиги туфайли ўта муҳимдир[2].

Жаҳон миқёсида турли хилдаги акушерлик асоратлар келиб чиқишида генетик ва орттирилган тромбофилиялар муҳим ўрин эгаллайди. Қатор чет эл тадқиқотчи олимлари томонидан ҳомиладорлик давридаги гипертензив ҳолатлар генетик, яширин тромбофилия нуқтаи назаридан кўриб чиқиш бошланган. Ўз-ўзидан ҳомиладорлик гиперкоагуляция хавфини оширишини ҳисобга олсак, бунда антифосфолипид синдромнинг қўшилиши онада тромбоз хавфини янада ошишига олиб келади. Ушбу илмий тадқиқот вазифалари гипертензив ҳолатлар ва антифосфолипид синдроми қўшилиб келишини ташхислаш ва уларни асоратларини даволашда замонавий технологиялардан фойдаланиш, тиббий хизмат кўрсатиш, илғор илмий тадқиқотлар ўтказиш нуқтаи назаридан жуда муҳимдир. Она организмидаги тромбофилия каби қон ивиш тизимидаги бир қатор ўзгаришлар, ҳомиладорлик оғирлашувининг патогенетик механизмлари ривожланишига олиб келишини тасдиқлайди. Бу каби патологияси мавжуд ҳомиладорларда антенатал ўлим ҳолатлар 3 – 10 баробар юқори бўлиб, чақалоқларнинг ўлик туғилиш хавфини 6 марта оширади.

Бизнинг мамлакатимизда тиббий соҳани ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, патологик ҳолатларда тўғри мақсадга йўналтирилган чора-тадбирларни ўтказишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттита устивор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат

[1]World Health Oganization – Cancer Country Profiles, 2019 й.

[2] Hamulyák E.N., Scheres L.J., Goddijn M., Middeldorp S. Antithrombotic therapy to prevent recurrent pregnancy loss in antiphospholipid syndrome-What is the evidence? *Journal of thrombosis and haemostasis. JTH* vol. 19,5 (2021): 1174-1185. doi:10.1111/jth.15290

кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда "...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш..."[3] каби вазифалар белгиланган бўлиб, акушерлик ва гинекология тиббий тизимини яхшилаш мақсадида мажмуавий чора-тадбирларни ишлаб чиқишга қарор қилинди.

Ушбу диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги, ПФ-60- сон "2020-2026 йиллардга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида", 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонлари, 20 июн 2017 йилдаги ПП-3017 сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон республикаси аҳолисига махсус тиббий ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари" ва ушбу соҳадаги бошқа норматив-ҳуқуқий актларга мос равишда бажарилган.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация иши республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VI. "Тиббиёт ва фармакология" устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳомиладорликда гипертензив ҳолатлар замонавий акушерликнинг долзарб масалаларидан бири бўлиб, у оналар перинатал ўлимнинг ҳамда нохуш асоратларнинг асосий сабабларидан бири бўлиб ҳисобланади (Pandey M, 2018). Перинатал ўлим хавфи ушбу касалликларда 5 марта ошади. Преэклампсия ҳар йили кузатиладиган 75 000 оналар ўлимига сабаб бўлиб келмоқда (Lyall Fiona, Beifort Michael, 2017). Гипертензив ҳолатларнинг давоси ва профилактикаси ушбу жараённинг нохуш акушерлик ва перинатал оқибатлари ҳамда нохуш асоратларга таъсири туфайли жуда муҳим бўлиб ҳисобланади. Қатор чет эл тадқиқотчи олимлари томонидан ҳомиладорлик давридаги гипертензив ҳолатлар генетик, яширин тромбофилия нуқтаи назаридан кўриб чиқиш бошланди. (Henke P.K. et al., 2010, De Stefano V. et al., 2016).

Профессор А.Д. Макацария бошчилигидаги ўтказилган тадқиқотга ва адабиётлар маълумотларига кўра, ушбу турдаги акушерлик асоратлари, масалан: преэклампсия, нормал жойлашган плацентанинг вақтдан олдин кўчиши, ҳомила тушиши синдроми 70-77 % ҳолатларда тромбофилиянинг мултиген ва қўшилиб келган турлари туфайли келиб чиқади (Макацария А.Д., Бицадзе В.О. 2019).

Мамлакатимиздаги тадқиқотлар натижасида, генлар полиморфизми, интерлейкинларнинг ҳомиладорликка таъсири, уларнинг акушерлик ва перинатал асоратлар, одатий ҳомила тушишларнинг келтириб чиқаришдаги роли ўрганилди (Аблакулова Ш.Д., 2021; Аюпова.Ф.М., 2020). Ҳомиладорлик даврида вужудга келган гипертензив ҳолатлар тромбофилиянинг белгиси бўлиши мумкин. Преэклампсия, эклампсия ривожланишида яширин генетик турдаги тромбофилиялар туфайли

[3] 2020–2026 йиллардаги Ўзбекистон Республикси Президентининг ПФ60-сон "2020-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармони.

гиперкоагуляциянинг содир бўлиши ушбу жараённи бошлаб беришини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳомиладорлик, туғруқдан кейинги давр, жарроҳлик амалиётидан кейинги даврда ушбу патологияни антикоагулянт, антиоксидант ва витаминотерапия орқали ҳомиладорликдан олдин, ҳомиладорлик даврида даволаш ҳомиланинг нормал ривожланишига яхши таъсир қилиши шубҳасиздир (Нажмутдинова Д.К., Ашурова У.А., Нишанова Ф.П., 2017).

Ҳомиладорлик даврида вужудга келган гипертензив ҳолатларга патогенетик профилактика жиҳатидан баҳо бериш фосфолипидларга нисбатан аутоантитаначалар аниқланган ҳомиладорларда 12-40 ҳафтада бажарилиши ушбу мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг (01.2022 PhD 142) илмий-тадқиқот ишларининг режасига мувофиқ «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларни ишлаб чиқиш (2022-2026 йй.)» доирасида олиб борилди.

**Тадқиқот мақсади.**

Гестацион гипертензия ривожланишини башорат қилиш ва тромболитик асоратларни олдини олишда антифосфолипид синдромнинг аҳамиятини генетик баҳолаш.

**Тадқиқот вазифалари:**

фосфолипид антитаначалари аниқланган аёлларда преморбид фонни ҳисобга олган ҳолда гестацион гипертензия ривожланиш ва уларнинг асоратларини аниқлаш ;

фосфолипид антитаначалари аниқланган ҳомиладорларда гемостаз бузилишининг эрта маркёрларини ва F2 протромбин генининг (II-қон ивиш омили) G2021A (rs180133) G<A полиморфизмини изохлаш ;

антифосфолипид синдромли ҳомиладорларда гестацион гипертензия ривожланишида генетик маркёр ва гемостаз тизим ўзгаришларни корреляцион боғлиқлигини аниклаш;

антифосфолипид синдромли ҳомиладорларда гестацион гипертензия ва тромболитик асоратларини башоратлаш ҳамда уларни профилактика қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти.** 126 аёлдан иборат бўлиб: улардан I-гурух (асосий) 49 таси фосфолипидларга нисбатан аутоантитаначалар аниқланган гестацион гипертензия кузатилган ҳомиладор аёллар, II-гуруҳ (қиёсий) гестацион гипертензия кузатилган 47 нафар фосфолипидларга нисбатан аутоантитаначалар аниқланмаган аёллар ва III-гуруҳ (назорат) 30 та физиологик ҳомиладорлар 2018-2020 йилларда Бухоро шаҳар туғруқ мажмуасига мурожаат килганлар**.**

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида қон, унинг зардоби, сийдик тахлили

**Тадқиқот усуллари:** тадқиқотда клиник-лаборатор, умумий қон, биокимёвий, гемостаз тизими, молекуляр-генетик, ультратовуш, доплерометрик текширув ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.**

АФС аниқланган гестацион гипертензияли ҳомиладорларнинг қон зардобида IgG/IgM анти-кардиолипин ва IgG/IgM анти-бета-2-гликопротеин аниқланганларда касалликнинг клиник шакллари, гемостаз тизим ва генетик ўзаро боғлиқлиги таққосланиб ўрганилди;

биринчи марта F2 генининг G/A полиморфизмининг А Аллели ва гетерозигота генотипи билан бирга келиши молекуляр-генетик жиҳатдан АФС синдроми ривожланиш хавфини башоратловчи маркёри эканлиги аниқланди;

илк бора АФСли ҳомиладорларда гемостаз тизимидаги бирламчи сурункали ДВС-синдромига хос бўлган эрта ўзгаришлар ортофенантролин тестининг ошиши, эуглобулин фибринолизи вақтининг, АҚТВ ва тромбоцитлар миқдорининг пасайиши, шунингдек доплераметриядаги она-ҳомила-йулдош тизимидаги бузилишлар гипертензияли ҳомиладорларда она ва ҳомиладаги тромболитик асоратларининг ташхислаш мезони деб топилди;

ишлаб чиқилган «башорат харитаси» таҳлили шуни кўрсатадики, АФА аниқланган гестацион гипертензияси мавжуд аёлларда нормаллашган интегрирлашган хавф омили кўрсаткичи қанчалик юқори бўлса, тромболитик асоратлар( акушерлик асоратлар 1,5 марта) ва перинатал паталогиялар( 1,5-2 марта) ошиши, ушбу касалликнинг хавф омили юқори бўлганлиги туфайли номақбул башорат белгиси сифатида қабул қилиниши мумкин.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.**

Тадқиқот натижалари гестацион гипертензия келиб чиқишида антифосфолипид синдроми ва тромбофилиянинг моҳиятини, уларда ҳомиладорлик, туғруқни олиб бориш тактикасини белгилашга ёрдам беради.

Клиник тадқиқот натижалари, ишлаб чиқилган башорат харитаси ва илмий жиҳатдан асосланган тавсиялар беморларда стационарда ётоқ кунларининг қисқартириши, тромболитик асоратлар, оналар ва перинатал ўлимини олдини олишга олиб келади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда замонавий, бир-бирини тўлдирувчи клиник, биокимёвий, молекуляр-генетик, статистик усуллар ҳамда, етарли даражадаги текширилувчи беморлар сони, ташхис ва башорат мезонларини мукамаллаштириш, статистик таҳлил усулларининг асосланганлиги, чет эл ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан ўз натижаларни солиштириш, хулосалар чиқариш, олинган натижаларнинг тўлиқлиги билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти генетика соҳасидаги АФС синдроми аниқланмаган гестацион гипертензия кузатилган беморларда F2 генининг G/Aгенотипи нохуш А тури аллели варианти патогенетик механизмлари ҳақида тушунчаларни кенгайтиришга ёрдам беради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, биз ўтказган молекуляр-генетик тадқиқотга асосланган ҳолда АФС антитаначалари аниқланган ҳомиладорларда гипертензив ҳолатлар пайдо бўлиши, тромболитик асоратлар туфайли она ва ҳомилани зарарлаши мумкин

эканлиги аниқланди.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Гестацион гипертензияли антифосфолипид синдроми кузатилган ҳомиладорларда тромболитик асоратларни олдини олиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар илмий натижалари асосида “Гестацион гипертензия билан оғриган антифосфолипид синдроми кузатилган аёлларда тромболитик асоратларини башорат қилиш” услубий тавсиянома тасдиқланган (ССВ нинг 23.02.2021 йилдаги № 8н-р/150 сонли маълумотномаси).

Ушбу илмий тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ қилиш орқали АФА аниқланган гестацион гипертензия кузатилган аёллар эрта ташхисотини амалга ошириш имконияти пайдо бўлди. Тавсияномада эрта акушерлик асоратларни башорат қилиш, гестацион гипертензия вужудга келиши мумкин бўлган тромбофилик асоратларни олдини олишга қаратилган ўз вақтидаги даволашда янги инновацион усуллардан фойдаланиш ҳақида маълумотлар берилди.

Олинган натижалар Бухоро шаҳар туғруқ комлекси, Бухоро тумани ва Пешку марказий касалхонасининг ҳомиладорлар паталогияси (ССВ нинг 29.04.2022 йилдаги 8н-д/210 сонли хулосаси) тиббий амалиётида қўлланилмоқда. Амалиётга тадбиқ этилган илмий натижалар тиббий ёрдамни такомиллаштириш, эрта ташхислашни йўлга қўйиш ҳамда асоратларни олдини олиш имкониятини яратди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқотнинг натижалари 4 та илмий - амалий конференцияларда, хусусан, 2 та халқаро ва 2 та Республика миқёсидаги анжуманларда эълон қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация иши бўйича 12 та илмий ишлар, жумладан, 6 та мақола Ўзбекистон Республика Олий аттестация комиссиясининг раёсати томонидан тавсия этилган журналларда, шундан 3 таси халқаро, 3 таси республика журналларида чоп этилди.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация 4 та бўлим, хулоса, қўлланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 130 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **«Гестацион гипертензия ва тромболитик асоратларни олдини олиш ва башорат қилишда**

**антифосфолипид синдромининг ўрни»** назарий тахлил қилинди ва АФС ҳомиладорлик гипертензиясини башорат қилиш ҳамда тромболитик асоратларни олдини олиш масалаларига бағишланган тадқиқотлар тизимлантирилди. Шунингдек ушбу муаммонинг Ўзбекистонда ҳал этилмаган ва аниқлик киритишни талаб этадиган жиҳатлари аниқланди.

Диссертациянинг **«Тадқиқотнинг клиник материаллари»** деб номланган иккинчи бобида ишда фойдаланилган материаллар ва тадқиқот усуллари тасвирланган. Тадқиқотлар Бухоро шахар туғруқ мажмуаси, хусусий клиникалар (Макромедлаб, Genotexnologiya, Эндомед, Премиум) негизида олиб борилди.

Тадқиқотга Бухоро шаҳар туғруқ мажмуасида 2018-2020 йиллар давомида ҳомиладорлик патологияси бўлимига гестацион гипертензия туфайли мурожаат қилган 96 нафар беморлар жалб қилинди. Биз тадқиқотни ҳолат-назорат турида олиб борилди.

Гуруҳга киритиш мезонлари:

- ҳомиладорлар гипертензияси билан оғриган ҳомиладор аёллар;
- 22-40 ҳафтагача бўлган ўз-ўзидан вужудга келган ҳомиладорлик;
-ҳомиладорларнинг ёши 18-40 ёш;
- тадқиқотга розилик.

Ҳомиладорларга гипертензия ва АФС ташхиси Ўзбекистон Республикаси ҳомиладорлар, туғувчиларга перинатал ёрдам кўрсатиш миллий стандартлари (Тошкент, 2020) асосида қўйилган эди.

Асосий гуруҳни ташкил қилувчи гестацион гипертензияли 96 нафар ҳомиладор аёллар ташхисига асосан яна 2 гуруҳга бўлинди:

1 гуруҳ – асосий гуруҳга 49 нафар (36,0%) 22-40 ҳафталик гестацион гипертензияли анамнезида 2 ва ундан ортиқ ҳомила тушиши ёки эрта туғруқ кузатилган, қонида антифосфолипид антитаначалари аниқланган ҳомиладор аёллар киритилди.

2 гуруҳ – қиёслаш гуруҳига 47 нафар (34,0%) 22-40 ҳафталик гестацион гипертензияли қонида антифосфолипид антитаначалари аниқланмаган ҳомиладорлар.

Назорат гуруҳига 30 нафар (30,0%) туғруқ мажмуасида физиологик ҳомиладорлик туфайли мурожаат қилишган аёллар киритилди. Иккала гуруҳлардаги кўпчилик ҳомиладорларда (68,3% ва 65,0%) гуруҳларга асосан, гестацион гипертензия енгил даражаси 20-25 ёшларда аниқланган эди. Тадқиқотга киритилган аёлларни ёш бўйича тарқалиши 1 ва 2 гуруҳга киритилган аёлларнинг кўпчилигида гестацион гипертензия оғир даражаси 26-35 ёшлар атрофида вужудга келди.

Тадқиқотга киритилганлар орасида кўпроқ уй бекалари учради (57.1%, 46.5% гуруҳларга асосан). Ҳомиладорлар анамнезида болалик даврида кузатилган инфекциялар 1-гуруҳнинг 30 та (63,8%) ҳомиладор аёлда, 2-гуруҳнинг 25 тасида (51%) аниқланди. Ҳозирги ҳомиладорликда тез-тез учровчи ЎРВИ (ўткир респиратор вирусли касаллик) ҳолати 1-гуруҳнинг 23 (46,9%) тасида, 2-гуруҳнинг 15 (31,9%) тасида кузатилди.

Бошидан кечирилган касалликлар индекси 1-гуруҳда 2 ни, 2-гуруҳда эса, 1,6 ни ташкил этди, бу эса ўз навбатида ўтказилган касалликларнинг гипертензияга боғлиқлигига далолатдир. Демак, ушбу боғлиқлик асоратланган анамнезга эга аёлларда иммунитетнинг пасайиши туфайли вужудга келиши мумкин. Жигар ва ўт йўли касалликлари, нафас, қалқонсимон без ва сийдик ажратиш тизими касалликлари кам учради, улар бир нечта ҳолатлардагина аниқланди.

Туғруқ мажмуасига ҳомиладорлар ётқизилганида, барча аёлларга қуйидаги клинико-биокимёвий текширувлар ўтказилди: умумий оқсил миқдори, билирубин, зардобдаги креатинин ва мочевина, умумий қон ва сийдик таҳлили. Шунингдек, барча ҳомиладорларга антифосфолипид маркёрларидан кардиолипин ва бета гликопротеин, гемостаз тизими фибринолитик ва қон лахтаси ингибитори прокоагулянт тизими ҳам таҳлил қилинди.

Диссертациянинг **«Гестацион гипертензия кузатиладиган ҳомиладорликнинг кечишида гемостаз тизимидаги ўзгаришлар ва молекуляр-генетик жиҳатлари»** деб номланган учинчи бобида ҳомиладор аёлларда гемостазнинг прокоагулянт ва тромбоцитар бўғинига баҳо бериш, биринчи ўринда қон ивишига таъсир этувчи айрим индивидуал кўрсаткичлар: фибриноген концентрацияси, прокоагулянтлар фаоллиги активланган қисман тромбопластин вақти (АҚТВ), протромбин индекси, ортофенантролин тести, эуглобулинли фибринолиз, тромбоцитлар миқдорига баҳо берилган. Бундан ташқари бу бобда инструментал текширувлардан допплерометрия ҳамда статистик таҳлил ёритилган.

Текширилган ҳомиладорларнинг артериал қон босими 1-гуруҳда 155/112 дан 178/125 гача, ўртача 164,3±2,1/117,5±1,6 мм см. устунига тенг бўлиб, 2- гуруҳ ҳомиладорларида артериал қон босими 165/110дан 180/120 гача ўртача 171,3±3,1-121,6±2,4 мм см. устунини ташкил қилди. Суткалик протеинурия ўртача – 0,3±0,14 ни кўрсатди. Артериал қон босимининг назорат гуруҳидаги кўрсаткичи 110,7±1,9/71,1±1,3мм.сим.уст.ни ташкил қилди.

Юқорида келтирилган рақамлар АФА миқдорининг артериал гипертензия билан бевосита боғлиқлигидан далолат беради (корреляция коэффициенти r=0,65 ни ташкил этади. 1-гуруҳ аёлларида кучли боғланиш, 2-гуруҳ аёлларида r=0,59 ни ташкил этади ва бу гуруҳ аёлларида ҳам ўртача боғланиш борлиги аниқланди). АҚБ назорат гуруҳига солиштирганда, 1-гуруҳ аёллари кўрсаткичлари уларга нисбатан 54,5% га ортиқ эканлиги аниқланди (P<0,001). Туғруқгача бўлган даврда биз гестацион гипертензияси мавжуд аёлларда қоннинг клиник-лаборатор ва биокимёвий кўрсаткичлари текширилди.

Пандемия даврида ЎРИ нинг гипертензияга қўшилиб келиши ҳомиланинг аҳволини оғирлаштириб, ҳомилада фетоплатцентар бузилишларга сабаб бўлди.

АФА аниқланган ҳомиладорларда фетоплацентар мажмуадаги гемодинамик бузилишларни ўрганиш мақсадида бачадон артерияси, киндик

артериясида систоло-диастолик муносабат (СДМ) ўрганилди.

Допплерометрия маълумотларига кўра (1-жадвал), 1-гуруҳнинг ҳомиладорларида бачадон-йўлдош қон оқимининг (21,9%) да, йўдош-ҳомила (39,1%) ва бачадон-йўлдош-ҳомила қон оқимининг бузилиши (35,6%) ҳолатда кузатилади.

**1-жадвал.**

**Гестацион гипертензияли ҳомиладорларда йўлдош-бачадон мажмуаси бузилишларидаги бачадон-йўлдош-ҳомила қон оқими кўрсаткчилари.**

| Артериялар | Назорат гуруҳи (n=30) | | |
|---|---|---|---|
| | S/D | PI | RI |
| Ўнг бачадон артерияси | 1,88±0,03 | 0,62±0,01 | 0,47±0,01 |
| Чап бачадон артерияси | 1,87±0,02 | 0,63±0,03 | 0,47±0,01 |
| Киндик артерияси | 2,79±0,07 | 0,96±0,02 | 0,62±0,01 |
| Артериялар | 2-гуруҳ (n=47) | | |
| | S/D | PI | RI |
| Ўнг бачадон артерияси | 2,31±0,03*** | 0,78±0,01*** | 0,59±0,01*** |
| Чап бачадон артерияси | 2,23±0,02*** | 0,75±0,02** | 0,61±0,01*** |
| Киндик артерияси | 3,47±0,07*** | 1,18±0,03*** | 0,75±0,01*** |
| Артериялар | 1-гуруҳ (n=49) | | |
| | S/D | PI | RI |
| Ўнг бачадон артерияси | 2,41±0,03*** | 0,83±0,01*** | 0,65±0,01*** |
| Чап бачадон артерияси | 2,31±0,02*** | 0,81±0,03*** | 0,63±0,02*** |
| Киндик артерияси | 3,52±0,02*** | 2,27±0,02*** | 0,81±0,01*** |

Изоҳ: * - назорат гуруҳига нисбатан маълумотларнинг фарқланиши (* - P<0,05; ** - P<0,01; *** - P<0,001)

Тадқиқот гуруҳларидаги аёллар қон-томирлари текширилганда, қон оқими эгрилиги (ҚОЭ) нинг нормал кўрсаткичлари аниқланди. 1-гуруҳда гемодинамиканинг I даражали бузилиши 10 нафар (38,5%) ҳомилада ва

2-гуруҳнинг 12 нафарида (50,0%) аниқланди. II даражали гемодинамиканинг бузилиши 1-гуруҳда 9 нафар (37,5%), 2-гуруҳнинг ҳам 9 нафарида (34,6%) кузатилди. III даражали гемодинамиканинг бузилиши 1-гуруҳда 7 нафар (26,9%) 2-гуруҳнинг эса 3 нафарида (12,5%) кузатилди.

Патологик допплерометрия кўрсаткичлари шуни кўрсатадики, нафас ва ҳаракат активлигини кўриш орқали ҳомила ҳолати ва дистрессига баҳо бериш мумкин. Улар махсус белги бўлмасдан, ҳомила ҳаётий белгиларига хавф солувчи ҳолат сифатида баҳоланиб, ҳомиладор аёлни олиб бориш тактикаси ва уни туғдириш усули ва вақти масаласини ҳал қилишга ёрдам берди.

Коагулограмма маълумотлари 2-жадвалда келтирилган бўлиб, у 1-гуруҳ (4,47±0,35) ва 2-гуруҳдаги (4,38±0,16) текширилаётган аёлларда фибриноген концентрациясини кўрсатиб, у туғруқгача бўлган даврда назорат гуруҳи кўрсаткичларига (3,95±0,62) нисбатан ишончли равишда баландроқ эканлиги

аниқланган (p<0,05).

Гестацион гипертензияли ҳомиладор аёлларда гемостаз тизимидаги муҳим кўрсаткичларидан бири бўлган қондаги тромбоцитлар миқдори 1-гуруҳда 160,6±20,6, 2-гуруҳда, 165,2±21,8 ва назорат гуруҳида эса, 275,0±18,3 эканлиги уни норма кўрсаткичларига нисбатан паст эканлигини кўрсатади.

Гестацион гипертензияли ҳомиладор аёлларда бунга ўхшаш гематологик силжишлар аёл организмида оксидланиш-қайтарилиш жараёнларининг бузилишидан далолат бериб, у ўткир ва сурункали ДВС-синдроми учун қулай шароитни яратди.

АҚТВ нормаси 26,1-36,5 секундни ташкил этади. АҚТВ нинг ошиши қон кетишнинг юқори хавфидан далолат бериб, нормага нисбатан унинг пасайиши эса, тромбозга нисбатан мойилликдан далолат беради, бизнинг тадқиқотимизда ушбу кўрсаткич назорат гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан олганда, 1-гуруҳда 23,9% ни, 2-гуруҳда 31,0% ни ташкил қилади.

Ҳомиладор аёлларда ортофенантролин тести кўрсаткичлари 1-гуруҳда 26,0±2,0 мг/мл, 2-гуруҳда 25,0±2,0 мг/мл, назорат гуруҳи 8,0±2,0 мг/мл кўрсаткичларига нисбатан юқори бўлиб ҳисобланади (2-жадвал).

1- ва 2-гуруҳда фибрин парчаланиш маҳсулоти (Д – димер) кўрсаткичи 33% ва 31% ни ташкил қилади.

**2-жадвал.**

**Ҳомиладорларда туғруқгача бўлган даврда гемостаз тизимининг асосий кўрсаткичлари**

| Гемостазнинг асосий кўрсаткичлари | 1-гуруҳ, (n=49) | 2-гуруҳ, (n=47) | Назорат гуруҳи, (n=30) | P |
|---|---|---|---|---|
| Фибриноген, г/л | 4,47±0,35 | 4,38±0,16 | 3,95±0,62 | <0,05 |
| АҚТВ, сек | 23,6±1,4 | 26,3±2,4 | 34,1±2,5 | <0,05 |
| Протромбин индекси, % | 113,2±2,8 | 111,1±2,4 | 106,8±3,3 | <0,05 |
| Тромбоцитлар миқдори, $10^9$/л | 160,6±20,6 | 213,7±9,6 | 185,0±18,3 | <0,05 |
| МНО | 1,5±0,5 | 0,5±0,5 | 1,0±0,5 | <0,05 |
| Д – димер нг/мл | 1000±20,2 | 860±15,4 | 580±10,2 | <0,05 |
| Эуглобулин фибринолизи, мин | >240 | >240 | 180±10 | <0,05 |

Ҳомиладорларда ўтказилган молекуляр-генетик тадқиқот натижалари F2 протромбин генотип генларининг полиморфизми (қон ивишининг II омили) ва G2021A(rs180133) G<A ген генотипларини тарқалишини ўрганиш орқали қуйидаги кўрсаткичлар аниқланди, улар 1-расмда берилган.




**Расм 1. F2 протромбин ген G2021A генотипларининг гуруҳлараро тарқалиш фоизи.**

F2 протромбин генининг полиморфизми аллеларини тарқалишини ўрганиш орқали қуйидаги кўрсаткичлар аниқланди (3-жадвал).

**3-жадвал.**

**F2 протромбин генотип генларининг полиморфизми (қон ивишининг II- омили) ва G2021A(rs180133) G<A ген аллеларини учраш частотаси.**

| Умумий ҳомиладорлар | Аллеллар частотаси | | | | Генотиплар тарқалиши частотаси | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | G | | A | | G\G | | G/A | | A/A | |
| | *n | % | *n | % | n | % | n | % | n | % |
| Асосий гуруҳ( n=59) | 90 | 76,27 | 28 | 23.73 | 38 | 64,41 | 14 | 23,73 | 7 | 11,86 |
| I-гуруҳ( n=30) | 46 | 76,67 | 14 | 23,33 | 20 | 66,67 | 6 | 20 | 4 | 13,33 |
| II-гуруҳ(n=29) | 44 | 75,86 | 14 | 24,14 | 18 | 62,07 | 8 | 27,59 | 3 | 10,34 |
| Назорат гуруҳи ( n=31) | 55 | 88,71 | 7 | 11,29 | 25 | 80,65 | 5 | 16,13 | 1 | 3,23 |

n –текширилган беморлар сони; ***n** – текширилган аллеллар сони;

Улушига кўра G2021A генининг пайдо бўлиш даражасига қараб, нормал G-аллели ҳомиладорлик гипертензияси бўлган АФС+ ҳомиладор аёлларнинг 76,67 фоизида кузатилган. Бошқа томондан, бу кўрсаткич ҳомиладорлик гипертензияси бўлган АФС-ҳомиладор аёлларда 75,86% ва назорат гуруҳида

88,71% ни ташкил этди. Мутант аллел назорат гуруҳидаги ҳомиладор аёлларнинг 11,29 фоизида топилган, биринчи ва иккинчи гуруҳларда эса мос равишда 23,33 ва 24,14 фоизни ташкил этган.

G2021A гени учун яхши сифатли вариант генотипларининг барча гестацион гипертензияли ҳомиладорлар ва назорат гуруҳи учун фоиз сифатида тақсимланишига келсак, иккинчи гуруҳ биринчидан устун эканлиги аниқланди (мос равишда 3,2% ва 80,6%). Гетерозигота генотипи икки гуруҳ субъектларда деярли бир хил натижани кўрсатди (мос равишда 20% ва 27,6%). Гетерозигота генотипи ҳомиладорлик гипертензиясининг ривожланишига таъсир этувчи омил бўлиб, бу вариант катта аҳамиятга эга ($\chi 2$ = 0,7; OR=1,6; 95% CI:0,53-4,97; p=0,5) (4-жадвал).

**4-жадвал.**

**Гестацион гипертензияли ва нисбатан соғлом ҳомиладорларда G2021A ген генотипларининг полиморфизм натижалари.**

| Аллеллар ва генотиплар | Текширилган аллеллар ва генотиплар сони | | | | $\chi 2$ | p | RR | 95%CI | OR | 95%CI |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Асосий гуруҳ | | Назорат гуруҳи | | | | | | | |
| | n | % | n | % | | | | | | |
| G | 90 | 76,3 | 55 | 88,7 | 4,0 | p =0,05 | 0,9 | 0,57-1,29 | 0,4 | 0,17-0,98 |
| A | 28 | 23,7 | 7 | 11,3 | 4,0 | p =0,05 | 1,2 | 0,3-4,54 | 2,4 | 1,02-5,86 |
| G/G | 38 | 64,4 | 25 | 80,6 | 2,6 | p =0,20 | 0,8 | 0,46-1,39 | 0,4 | 0,16-1,21 |
| G/A | 14 | 23,7 | 5 | 16,1 | 0,7 | p =0,50 | 1,5 | 0,78-2,76 | 1,6 | 0,53-4,97 |
| A/A | 7 | 11,9 | 1 | 3,2 | 1,9 | p =0,20 | 3,7 | 2,01-6,74 | 4,0 | 0,55-29,82 |

Бироқ, A/A нинг мутант шаклини ўрганишда, у кўп ҳолларда беморларда, назорат гуруҳидан фарқли ўлароқ, аниқланганлиги ва ҳомиладорлик гипертензиясининг ривожланишида муҳим хавф омили сифатида тасдиқланганлиги аниқланди. (мос равишда 11,9% ва 3,2%, $\chi^2$=1,9; OR=4,0; 95% CI: 0,55 - 29,82, p<0,2).

I-гуруҳдаги АФС аниқланган гестацион гипертензияли 30 нафар аёлларда, яхши сифатли G аллели 83,3% (50/60) ни, нохуш аллел A эса,

16,6% (10/60) ҳолатда аниқланганлиги маълум. Ҳомиладорлик физиологик кечаётган аёлларда F2 генининг G аллели 82.3% (51/62), А аллели эса- 17.7% (11/62) да аниқланди ($\chi^2$=0.02; P=0.88; OR=0.93; 95% CI:0.36-2.38).

Тадқиқот жараёнида G2021A генининг полиморф тарқалишини гестацион гипертензияли ҳомиладорларни гуруҳларга ажратганимизда, антифосфолипид синдроми бўлган беморларда мутант шакли (A/A) ривожланишида муҳим ва ишончли омил эканлиги аниқланди. ($\chi^2$=1,9; OR=4; 95% CI:0,55-2,82; p=0,2). Хусусан, бизнинг тадқиқотимизда генотипнинг гомозигота шакли – яхши сифатли вариант (G/G) назорат гуруҳида сезиларли фарқ билан устунлик қилди (80,6%), бу вариант АФС( +) билан ҳомиладорлик гипертензияси бўлган ҳомиладор аёлларда 66,7% ни ташкил этди. Гомозигота генотипининг мутант шакли гестацион гипертензияли антифосфолипид антитаначалари аниқланган ҳомиладорларда 13,3%, гетерозигота генотипи 20%. Нисбатан соғлом ҳомиладорларда бу кўрсаткич мос равишда 3,2 ва 16,1% ни ташкил этди (5-жадвал).

**5-жадвал.**

**Антифосфолипид синдромли гестацион гипертензияси бўлган ва соғлом ҳомиладорларда G2021A ген полиморфизмини генотиплаш натижалари.**

| Аллеллар ва генотиплар | Текширилган аллеллар ва генотиплар сони | | | | χ2 | p | RR | 95%CI | OR | 95%CI |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Гестацион гипер-тензия билан антифосфолипид синдроми | | Назорат гуруҳи | | | | | | | |
| | n | % | n | % | | | | | | |
| G | 46 | 76,7 | 55 | 88,7 | 3,1 | p=0,10 | 0,9 | 0,42–1,78 | 0,4 | 0,16-1,1 |
| A | 14 | 23,3 | 7 | 11,3 | 3,1 | p=0,10 | 1,2 | 0,34-3,98 | 2,4 | 0,91-6,31 |
| G/G | 20 | 66,7 | 25 | 80,6 | 1,5 | P=0,30 | 0,8 | 0,31-2,21 | 0,5 | 0,15-1,53 |
| G/A | 6 | 20,0 | 5 | 16,1 | 0,2 | P=0,70 | 1,2 | 0,37–4,11 | 1,3 | 0,35–4,81 |
| A/A | 4 | 13,3 | 1 | 3,2 | 2,1 | p=0,20 | 4,1 | 1,49-11,47 | 4,6 | 0,57-37,08 |

Ўрганилаётган полиморф локусларда генотипларнинг тарқалиши Харди-Вайнберг мувозанатига мувофиқлиги текширилди. G2021A генотипларининг асосий гуруҳида кутилган натижа юқори даражасида кузатилди (6-жадвал).

**6-жадвал.**

**G2021A ген полиморфизми генотипининг ҳомиладорларнинг асосий гуруҳидаги Харди-Вайнберг тенгламасига мос келиши.**

| Асосий гуруҳ | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Аллеллар | Аллел частотаси | | | | |
| G | 0.76 | | | | |
| A | 0,24 | | | | |
| Генотиплар | Генотип частотаси | | $\chi^2$ | p | df |
| | кузатилиши мумкин | кутилган | | | |
| G/G | 0,64 | 0,58 | 0,39 | | |
| G/A | 0,24 | 0,36 | 2,53 | | |
| A/A | 0,12 | 0,06 | 4,07 | | |
| Жами | Битта | битта | 7 | 0,005 | Битта |

Башоратлаш самарадорлигини баҳолаш натижалари (AUC) мос равишда 0,57, 0,56 ва 0,57 ни ташкил этди. Башорат кўрсаткичлари оддий бўлса-да, моделлаштириш антифосфолипид синдроми бўлмаган ҳомиладор аёлларда антифосфолипид синдроми бўлган ҳомиладор аёлларга қараганда анча ишончли эди (7-жадвал).

**7-жадвал.**

**Ҳомиладорлик гипертензияси патогенезида А аллели учун G2021A ген полиморфизмини башорат қилиш самарадорлигини баҳолаш натижалари.**

| **Фактор** | **Гуруҳлар** | **SE** | **SP** | **AUC** | **OR** | **95% CI** | **P** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **A** | Асосий гуруҳ// Назорат гуруҳи | 0,89 | 0,24 | 0,57 | 2.44 | 1,02 - 5,84 | 0,2 |
| | Гестацион гипертензия антифосфолипид синдроми билан // Назорат гуруҳи | 0,89 | 0,23 | 0,56 | 2.39 | 0,91 – 6,3 | 0,33 |
| | Гестацион гипертензия антифосфолипид синдромисиз // Назорат гуруҳи | 0,89 | 0,24 | 0,57 | 2.5 | 0,95 - 6,6 | 0,5 |

Ҳомиладорлик даврида вужудга келган гипертензив ҳолатлар тромбофилиянинг белгиси бўлиши мумкин. Преэклампсия, эклампсия ривожланишида яширин генетик турдаги тромбофилиялар туфайли гиперкоагуляциянинг содир бўлиши ушбу жараённи бошлаб беришини

ҳисобга оладиган бўлсак, ҳомиладорлик, туғруқдан кейинги давр, жарроҳлик амалиётидан кейинги даврда ушбу патологияни антикоагулянт, антиоксидант ва витаминотерапия орқали ҳомиладорликдан олдин, ҳомиладорлик даврида даволаш ҳомиланинг нормал ривожланишига яхши таъсир қилиши шубҳасиздир. G2021A (rs180133) ген полиморфизмининг ҳомиладорлик гипертензиясининг ривожланишига таъсири ҳақидаги хулосамиз, ҳомиладор аёлларда мутант аллеллар назорат гуруҳига қараганда сезиларли даражада юқори эканлиги аниқланишига олиб келди. Биз G2021A асосий гуруҳини АФС(+) ва АФС(-)га ажратганимизда ва назорат гуруҳи билан солиштирганда, гомозиготали мутант (AA) генотипи АФС(+) ва АФС(-) гуруҳларида назорат гуруҳига нисбатан кўпроқ учраганлигини аниқладик. Бундан хулоса қилишимиз мумкинки, G2021A генининг гомозиготали мутацион шакли ҳомиладорлик гипертензиясида ишончли индукцияли роль ўйнайди ва бизнинг натижамиз сезиларли эди (асосий гуруҳда $\chi^2$=1,9; p=0,20; антифосфолипид синдроми бўлган ҳомиладорларда $\chi^2$=2,1; p=0,20 ва антифосфолипид синдроми бўлмаган ҳомиладорларда $\chi^2$=3,9; p=0,30).

Шу билан бирга, тадқиқот ҳомиладорлик гипертензиясининг ривожланишида гетерозигота генотипи ҳам индукцияланган таъсирга эга эканлиги аниқланди ($\chi^2$=0,7; p=0,50). Шу билан бирга, асосий гуруҳда, шунингдек, АФС(+) ва АФС(-) гуруҳларида ҳомиладорлик гипертензиясининг пайдо бўлиши нуқтаи назаридан яхши типдаги гомозигота варианти ҳимоя ролини ўйнади. Харди Вайнберг тенгламасига келганда, биз асосий гуруҳда кутилган ва кузатилган натижалар ўртасида катта сезиларли фарқ топдик ($\chi^2$=4,07). Полиморфизмни башорат қилиш самарадорлигини баҳолаш, юқорида айтиб ўтилганидек, атиги 0,55 ни кўрсатди, бу прогноз самарадорлиги мутант аллел ва генотип нуқтаи назаридан ишончли эмаслигини англатади.

Бундан хулоса қилишимиз мумкинки, геннинг мутант шакли (A/A) G2021A (rs180133) ҳомиладорлик гипертензияси патогенезида муҳим индукцияли роль ўйнайди.

Ҳар бир тадқиқот гуруҳида ёндош патологияни аниқланиш частотасини кўриш ҳам муҳим эди. Шундай қилиб гестацион гипертензияли АФС аниқланган ҳомиладор аёлларда кўпчилик ҳолларда камқонлик 1,2 даража – 43,1%, эндокринопатия (қандли диабет, қалқонсимон без касалликлари) – 32,1%, сийдик йўллари касалликлари – 14,7% ва варикоз касаллиги 28,9% ҳолатда аниқланди. Гипертензив бузилишлар преморбид фонга эга фосфолипидга нисбатан аутоантитаначалар аёлларнинг қарийб барчасида аниқланди. Ҳомиладорда гипертензив бузилишларнинг аниқланиши ҳомиладорликнинг қатор асоратларига олиб келувчи: қайсики муддатдан олдинги туғруқ – 20,4%, йўлдошнинг муддатдан олдин кўчиши – 12%, ҳомила антенатал ўлими – 2,6%ни ташкил қилди. АФС аниқланмаган гестацион гипертензияли ҳомиладорларда эса камқонлик – 34,7%, варикоз касаллиги – 27,5% ва сийдик йўллари касалликлари – 24,7% ҳолатда аниқланди. Ҳомиладорлиги нисбатан физиологик кечаётган

аёлларда ёндош патологиялар ичида камқонлик касаллиги – 26,3% ҳолатда аниқланди.

Текширилган ҳомиладорларда акушерлик анамнезини чуқур таҳлил қилиш натижасида АФС аниқланган ҳомиладорларда ривожланмаган ҳомиладорлик – 40% (30тадан 12та)ни, АФС аниқланмаган ҳомиладорларда – 10,3 %да (29 тадан 3 та ҳолатда) аниқланди.

Шундай қилиб, F2 генининг G/A генотипининг А аллели ва гетерозигота тури Ўзбекистон популяциясидаги АФС ривожланишининг муҳим молекуляр - генетик маркерлардан бири бўлиши мумкин (P<0,01).

Олинган маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, F2 генининг G/A генотипининг барча полиморфизмлари гипертензия билан оғриган ва назорат гуруҳи аёлларида мавжудлиги аниқланган. Ушбу маркёрнинг генетик тузилишини ўрганиш назорат гуруҳига нисбатан, АФС аниқланган гестацион гипертензияли ҳомиладор аёллар гуруҳида қиёсий жиҳатдан ген мутация қобилиятининг юқори эканлигидан далолат беради.

Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, F2 генининг нохуш А аллели аниқланганларда кўпроқ (эндокринопатия) учраши, организмда аутоиммун жараёнлар мавжудлигидан далолат беради, ушбу ҳолат адабиётлардаги маълумотларни тасдиқлайди.

Бизнинг назаримизда АФС ни профилактика қилишда гестацион гипертензия кузатилган ҳомиладорларда хавф омилларини аниқлаш учун ўтказилади.

Башорат мажмуаси ўз ичига ташқи секретор етишмовчилик хавф омиллари, унинг даражалари ва белгиларини олиб, у алоҳида белгининг интегрирлашган кўрсаткичларига бирлаштиради.

Диссертациянинг **«Гестацион гипертензияси мавжуд ҳомиладор аёлларда антифосфолипид синдроми ривожланишини башорат қилиш ва тромболитик асоратларни олдини олиш»** деб номланган тўртинчи бобида Е.Н. Шиганнинг интенсив кўрсаткичларини нормаллаштириш усули Байеснинг эҳтимолий усулига асосланган бўлиб, бунда анамнез ва клиник белгилар маълумотларига кўра, башорат маркерларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Башорат мажмуаси ишлаб чиқилган бўлиб ўз ичига ташқи секретор етишмовчилик хавф омиллари, унинг даражалари ва белгиларини олиб, у алоҳида белгининг интегрирлашган кўрсаткичларига *(X*), бунда ҳар бир нисбий хавф омили (*R*) ва омиллар мажмуаси жамланмаси (*RN*), ҳамда текширув маълумотларига (*N*) нормаллашган катталикга боғлиқ бўлади.

Башорат жадвалини тузиш учун энг муҳим омилларни даражалаб, уларни бир-бирига солиштириш кўзда тутилган. Омилларнинг даражаланишини уларнинг хавф кўрсаткичларига нисбатан аниқланади (R). Ушбу муносабат кўрсаткичларнинг ҳар бир омилга нисбатан минимал (d) ва максималлигининг фаоллигига (c) боғлиқ (*R=c/d*).

Агар таъсир этиш омили 1 га тенг бўлса, у таъсир этмайди. R қанчалик юқори бўлса, ушбу патологиянинг вужудга келиш эҳтимоллиги ҳам шунча юқори бўлади **(**8-жадвал**).**

**8-жадвал.**

**АФС аниқланган гестацион гипертензияси мавжуд хомиладорларда башорат картасини тузишда мажмуавий баҳо бериш.**

| Хавф омиллари | | % | НИП | R | X | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | Мин | Max |
| Асоратланган акушерлик анамнези | Бор | 73,1 | 0,571 | 2,505 | 1,429 | 1,429 | 3,582 |
| | Йўқ | 29,2 | 1,429 | | 3,582 | | |
| Асоратланган гинекологик анамнез | Бор | 69,2 | 0,667 | 2,000 | 1,333 | 1,333 | 2,667 |
| | Йўқ | 34,6 | 1,333 | | 2,667 | | |
| А нохуш аллел варианти | Бор | 26,9 | 0,727 | 1,750 | 1,273 | 1,273 | 2,227 |
| | Йўқ | 15,4 | 1,273 | | 2,227 | | |
| F2 генининг G/A тури гетерозигота тури полиморфизми ассоцияси | Бор | 55,8 | 0,389 | 4,143 | 1,611 | 1,611 | 6,675 |
| | Йўқ | 13,5 | 1,611 | | 6,675 | | |
| АФА (антифосфолипид антитаначалар) | Бор | 36,0 | 0,251 | 2,18 | 1,980 | 1,980 | 3,960 |
| | Йўқ | 34,0 | 0,722 | | 3,960 | | |
| Гематокрит, % | Бор | 34,6 | 0,500 | 3,000 | 1,500 | 1,500 | 4,500 |
| | Йўқ | 11,5 | 1,500 | | 4,500 | | |
| АҚТВ, сек | Бор | 48,1 | 0,276 | 6,250 | 1,724 | 1,724 | 10,776 |
| | Йўқ | 7,7 | 1,724 | | 6,250 | | |
| Фибриноген, г/л | Бор | 21,2 | 0,706 | 1,833 | 1,294 | 1,294 | 2,373 |
| | Йўқ | 11,5 | 1,294 | | 2,373 | | |
| Тромбоцитлар, $x10^9$ | Бор | 23,1 | 0,588 | 2,40 | 1,412 | 1,412 | 3,388 |
| | Йўқ | 9,6 | 1,412 | | 3,388 | | |
| ПТИ, % | Бор | 23,1 | 0,622 | 2,215 | 1,378 | 1,378 | 3,053 |
| | Йўқ | 10,4 | 1,378 | | 3,053 | | |
| Эуглобулинли фибринолиз, мин | Бор | 44,2 | 0,496 | 3,033 | 1,504 | 1,504 | 4,562 |
| | Йўқ | 14,6 | 1,504 | | 4,562 | | |
| Ортофенантролин тести, мг/мл | Бор | 48,1 | 0,561 | 2,564 | 1,439 | 1,439 | 3,689 |
| | Йўқ | 18,8 | 1,439 | | 3,689 | | |
| САҚБ, мм рт. ст. | >4,19 | 55,8 | 1,252 | 1,673 | 2,094 | 1,252 | 2,094 |
| | <4,19 | 33,3 | 0,748 | | 1,252 | | |
| ДАҚБ, мм рт. ст. | >2,93 | 53,8 | 1,206 | 1,520 | 1,834 | 1,206 | 1,834 |
| | <2,93 | 35,4 | 0,794 | | 1,206 | | |
| Суткалик диурез, мл | >3,73 | 94,2 | 1,346 | 2,056 | 2,766 | 1,346 | 2,766 |
| | <3,73 | 45,8 | 0,654 | | 1,346 | | |

Башорат жадвалидан ташқари биз хавф омилларининг эҳтимолий тарқалишини ҳам ўргандик. Ушбу ҳолатни ўрганиш қуйидаги тарзда олиб борилди.

Башорат жадвалида биз башорат коэффициентининг минимал кўрсаткичи (Х) ни аниқлаб, уни қўшиб чиқамиз. Ушбу катталик юқоридаги патология учун бошланғич хавф кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади.

Ушбу ҳолатда хавф омилининг тарқалиши 19,7÷53,5 атрофида бўлади (9-жадвал).

**9-жадвал.**

**Ташқи секретор етишмовчилик бўлганда, тарқалиш кенглиги ва индивидуал хавф омиллари ривожланишининг кўрсаткичлари.**

| Тарқалиши | Тарқалиш катталиги | Хавф кўрсаткичлари |
|---|---|---|
| Эҳтимоллиги кам | 19,7-31,0 | Мақбул башорат |
| Эҳтимоллиги ўртача | 31,1-42,4 | Эътибор |
| Эҳтимоллиги юқори | 42,5-53,5 | Номақбул башорат |

Ишлаб чиқилган «башорат харитаси» шуни кўрсатадики, АФА аниқланган гестацион гипертензияси мавжуд аёлларда нормаллашган интегрирлашган хавф омили кўрсаткичи қанчалик юқори бўлса, шунчалик ушбу касалликнинг хавф омили юқори бўлганлиги туфайли номақбул башорат белгиси сифатида қабул қилиниши мумкин.

# ХУЛОСА

1. Гипертензив бузилишлар преморбид фонга эга қонида фосфолипидга нисбатан антитаначалар бўлган ҳомиладор аёлларнинг қарийб барчасида аниқланди. Антифосфолипид синдромли ҳомиладорда гипертензив бузилишларнинг аниқланиши ҳомиладорликда қатор асоратларга олиб келувчи: муддатдан олдинги туғруқ 20,4%, йўлдошнинг муддатдан олдин кўчиши 12%, антенатал ҳомила ўлими 6,6%, 40% ривожланмаган ҳомиладорлик каби патологиялар туфайли юқори хавф гуруҳига киритилишига сабаб бўлади.

2. F2 генининг A/A гетерозигота тури ва нохуш A аллели Ўзбекистон популяциясидаги гипертензив бузилишлар ривожланишининг муҳим молекуляр-генетик маркёрлардан бири бўлиб ($P<0.01$) ва асосий гуруҳда мутация шаклларининг учраш даражаси юқори.

3. Асосий гуруҳ ҳомиладорларида антифосфолипид антитаначаларининг миқдори гипертензия билан бевосита юқори корреляцион боғлиқликка ($r=0,65$) эга бўлди. Ушбу гуруҳ аёлларининг ҳаммасида гемостаз тизими кўрсаткичларида ўзгариш кузатилди.

4. Ишлаб чиқилган “башорат харита”си ёрдамида бир неча хавф омилларига кўра, АФС асоратлари ривожланиш эҳтимоллик даражасини баҳолашга ёрдам беради. Паст даражадаги хавф 19.7–31.0, ўртача даражадаги хавф 31.1–42.4, юқори даражадаги хавф 42.5–53.5 деб баҳоланди.

5. Анамнезда перинатал асоратлари булган хавф гуруҳига кирувчи барча ҳомиладорларни F2 G2021A протромбин ген мутациясига текшириш лозим. Ген мутацияси аниқланганда ҳомиладорликдан олдин ёки ҳомиладорликда турмуш тарзи модификацияси, гипотензив дори воситалар антикоагулянтлар ва антиагрегантлар билан биргаликда қўллаш тавсия берилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ DSc.04/30.04.2022. Tib.93.02 ПРИ БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ**

**БАХРАМОВА ШАХНОЗА УСМОНОВНА**

# ЗНАЧЕНИЕ АНТИФОСФОЛИПИДНОГО СИНДРОМА В ПРОГНОЗИРОВАНИИ ГЕСТАЦИОННОЙ ГИПЕРТЕНЗИИ И ПРОФИЛАКТИКИ ТРОМБОЛИТИЧЕСКИХ ОСЛОЖНЕНИЙ

**14.00.01 – Акушерство и гинекология**

**АВТОРЕФЕРАТ**
**диссертации доктора философии (PhD)по медицинским наукам**

**Бухара – 2023**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2021.1.PhD/Tib2346.**

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.bsmi.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

| | |
|---|---|
| **Научный руководитель** | **Ихтиярова Гульчехра Акмаловна**<br>доктор медицинских наук, профессор |
| **Официальные оппоненты** | **Абдуллаева Лагия Мирзатуллаевна**<br>доктор медицинских наук, доцент |
| | **Алиева Дилфуза Абдуллаевна**<br>доктор медицинских наук, профессор |
| **Ведущая организация** | Воронежский государственный медицинский университет имени Н. Н. Бурденко |

Защита диссертации состоится «____» _____ 2023 г. в ___:__ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 при Бухарском государственном медицинском институте (Адрес: 200118, г. Бухара, улица А.Навои, 1, Тел./факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована № ____ ). Адрес: 200118, г. Бухара, проспект А.Навои, 1, Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Автореферат диссертации разослан «__:___» _____2023 года.

(реестр протокола рассылки №___:_ от «_____» _____ 2023 года).

**Д.Т. Ходжиева**
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук (DSc), профессор

**Н.Ш. Ахмедова**
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук (DSc), доцент

**М.А. Артыкова**
Заместитель председателя научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук (DSc), доцент

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и необходимость темы диссертации**. Во всем мире гестационная гипертензия при беременности и тромбофилические осложнения, вызванные нарушениями свертывающей системы крови, занимают 10% от всех соматических патологий. По данным Всемирной организации здравоохранения «... гипертензивные нарушения при беременности занимает 2-е место среди причин материнской смертности и встречается в 14% случаев»[1]. Охрана здоровья матери и ребенка является одним из основных направлений политики Республики Узбекистан. Антифосфолипидный синдром (АФС) - одна из самых актуальных междисциплинарных проблем современной медицины, которая исследуется как уникальный пример аутоиммунной тромботической васкулопатии. Существует генетическая предрасположенность к повышенному синтезу антифосфолипидных антител (АФЛ), и большинство из них было обнаружено у родственников пациентов с АФС. Проблема лечения и профилактики гипертензивных расстройств чрезвычайно актуальна в связи с влиянием этого патологического процесса на неблагоприятные акушерские и перинатальные осложнения и возможностью тяжелых осложнений[2].

В мире генетические и приобретенные тромбофилии играют важную роль в возникновении различных акушерских осложнений. Ряд зарубежных ученых-исследователей стали рассматривать гипертензивные состояния при беременности с точки зрения генетической, возможно скрытой тромбофилии. Учитывая, что беременность сама по себе увеличивает риск гиперкоагуляции, присоединение антифосфолипидного синдрома приводит к дальнейшему увеличению риска тромбообразования у матери. Задачами данного научного исследования является использование современных технологий в диагностике сочетания гипертензивных состояний и антифосфолипидного синдрома и лечение их осложнений, оказание медицинских услуг, проведение передовых научных исследований с точки зрения. Ряд изменений в системе свертывания крови, таких как тромбофилия в организме матери, подтверждает, что это приводит к развитию патогенетических механизмов отягощения беременности. Антенатальная смертность у беременных с данной патологией выше в 3-10 раз, а риск мертворождения увеличивается в 6 раз.

В нашей стране осуществляется развитие медицинской сферы, адаптация медицинской системы к требованиям мировых стандартов, в том числе проведение соответствующих мероприятий в патологических случаях.

В связи с этим, в соответствии с семью приоритетными направлениями стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы, поднятие уровня медицинского обслуживания населения на новый уровень «...повышение качества квалифицированных услуг населению в первичном медико-

[1] World Health Oganization – Cancer Country Profiles, 2019 й.

[2] Hamulyák E.N., Scheres L.J., Goddijn M., Middeldorp S. Antithrombotic therapy to prevent recurrent pregnancy loss in antiphospholipid syndrome-What is the evidence? *Journal of thrombosis and haemostasis. JTH* vol. 19,5 (2021): 1174-1185. doi:10.1111/jth.15290

